

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Содиқова Дилфуза Ропижоновна, катта ўқитувчи

Актамова Кибриё, 2-босқич талабаси

Жиззах давлат педагогика университети

dilfuzasodiqova@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола таълим-тарбия тизимининг маънавий ва ижтимоий аҳамиятига бағишланган бўлиб, ёшлар тафаккурини шакллантиришда маънавий ва ижтимоий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

Аннотация: Данная статья посвящена духовно-социальному значению системы образования, раскрывается значение и сущность духовно-социального воспитания в формировании мышления молодежи.

Ключевые слова: образование, образование, человек, государство и общество, непрерывное образование, наука, производство.

Annotation: This article is devoted to the spiritual and social significance of the education system, reveals the meaning and essence of spiritual and social education in the formation of youth thinking.

Key words: education, education, person, state and society, continuous education, science, production.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йил 29 декабрда Олий мажлисга мурожатномасида келтирилган қуйидаги вазифалар профессор-ўқитувчилар жамоаси учун таълим-тарбия соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширишдек улкан масъулият юклайди: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунинг учун энг аввало ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз” деб айтиб ўталилар.

Ўзбекистон таълим-тарбия тизимининг маънавий моҳияти ва ижтимоий аҳамияти шахсни тарбиялаш ва уни вояга етказишда миллий-маънавий негизларга асосланиши билан белгиланади. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов дейди: “Маърифатли дунё Бухорийлар, Фарғонийлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, XXI асрда биз халқимиз, миллатимизга ана шундай эҳтиромни қўлга киритишимиз керак.. Такрор айтаманки, бугунги таълим-тарбия тизимини тубдан ривожлантириб бориш билангина эришиш мумкин”.

Шу сабабли таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда ёш авлоднинг “аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримиз муносиб шахс сифатида вояга етиши” асосий мақсад ҳисобланади.

Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг маънавий моҳияти шундаки, у миллий-тарбияни амалга оширади. Миллий тарбия-бу шахсни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида вояга етказишдир. Миллий тарбия масаласини махсус тадқиқ этган педагог олими М.Қуранов шундай ёзади: “Миллий тарбия тизими-бу ўзбек халқининг ўзига хос миллий маданий феъл-атвори, ахлоқ қоидалари ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлашнинг тарбиявий талабларига асосланувчи, халқ ҳаётининг барча жабҳалари билан чамбарчас боғлиқ яъни, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни шакллантиришнинг педагогик жараёнидир”. Шу маънода миллий тарбия Ўзбекистон таълим-тарбия тизимида вориийлик ва давомийлик қонуниятларига таянади.

Миллий тарбия таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари мужассама сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- миллий қадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;

- умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли;


- халқ ва унинг маданиятини сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш воситаси (ЮНЕСКО таърифи);

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми ва ҳ.к.

Ўзбекистонда миллий тарбия воситасида шахс халқ, жамият ва давлат эҳтиёжларига мос равишда вояга етказилмоқда. Бунинг натижасида шахс “кадрлар тайёрлар тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи” сига айланди. Айниқса, миллий тарбия воситасида шахсда халқимизга хос бўлган уят, андиша, шарм-ҳаё, ибодат, ор-номус, ифқат, ғурур, иззат-нафс, ўзаро ҳурмат, қадр, одамийлик, меҳр-оқибатлилик, саховатлилик, муруватлилик, кечиримлилик, одамийлик, яхши кўни-кўшничилик, муросяу мадора каби сифат ва хусусиятларни шакллантириш имконига эга бўлинмоқда. Оилапарварлик, фарзанд тарбияси, кексаларга ғамхўрлик қилиш сингари қадриятлар шахснинг одатига айланади. Ҳалол меҳнат эвазига яшаш, меҳнат воситасида бой-бадавлат бўлиш, ўзгаларни қўллаб-қувватлаш, элнинг корига яраш ва Ватанни муқаддас билиб, унинг хизматида бўлиш бугунги кун одамларида ҳаётининг кўникмага айланди.

Бир пайтлар атайин бузилган маънавий онг, маданият ва мавқеи тикланди. Ватандан қатағон қурбони бўлиб кетган улуғ аждодларнинг номи ва мероси тикланди, инсон ўз юртида ўз қадрини топди. “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз” ижтимоий ҳаракати таркиб топди. 132 миллат ва элатнинг ўзлиги сақланди, жамиятда миллий бирлик юзага келди. Буларнинг барчаси таълим-тарбия тизимининг маънавий моҳиятини ташкил қилувчи миллий тарбия ҳосиласидир.

Ўзбекистон таълим-тарбия тизимининг ижтимоий аҳамияти шахсни баркамол тарбиялаш, касб-хунарли қилиш ва фаолиятга тайёрлаш билан белгиланади. Бунда таълим-тарбия тизимининг қуйидаги ўзига хос модели муҳим ўрин тутди:



Бу модел асосида мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавиятли ва етук касбий тайёргарликка эга кадрлар тайёрланмоқда.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда ёш авлодни нафақат умумий ўрта таълим беришга, балки уларга ўрта махсус таълим беришга эришилди. Балоғат ёшга кирган йигит қиз икки ва ундан ортиқ мутахассисликка эга бўлиб, хаёт ва фаолиятга йўлланма олмоқда. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги масканида ноёб ва ягона ютуқдир.

Шунингдек, бунда шахсга бошланғич, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим бепул ва мажбурий тарзда берилаётганини таъкидлаш жоиз. Шу маънода мамлакатимизда таълим-тарбия тизими ва унинг модели беқиёс ижтимоий натижаларни бермоқда.

Шундай қилиб Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимининг маънавий моҳияти ва ижтимоий аҳамияти ўзига хос хусусиятларга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь <https://www.youtube.com>
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”. 1997.
3. Қуронов М. Миллий тарбия.-Т.: 2007.
4. KUSHVAKTOV, N., ISOKULOV, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.
4. Isaqulov, M. (2020). Yuqori sinf o'quvchilari tarbiyasida virtual stendlarning o'rni. *Arxiv Nauchnyx Publikatsiy JSPI*, 1(50). izvlecheno ot https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6069
5. Isaqulov, M. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. *Arxiv Nauchnyx Publikatsiy JSPI*, 1(98). izvlecheno ot https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/8012
6. Isaqulov, M. (2020). Yuqori sinf o'quvchilari tarbiyasida virtual stendlarning o'rni. *Arxiv Nauchnyx Publikatsiy JSPI*, 1(50). izvlecheno ot https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6069

7. Isoqulov, M. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. *Arxiv Nauchnykh Publikatsiy JSPI*, 1(98). izvlecheno ot [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/8012](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/8012)
8. Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ВЕРТУАЛ СТЕНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5620>
9. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ, Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
10. Mamadoli Isoqulov, ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании (октябрь)
11. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ, Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)
12. Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
13. Isoqulov, M. (2021). ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Zamonaviy ta'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari, (2). Retrieved from <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3018>
14. KUSHVAKTOV, N., & ISOKULOV, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *Journal NX*, 6(12), 18-21.
15. Ҳасанбоев ЖХ, Т. Х., Равшанов, О. А., & Кушвактов, Н. Х. (2007). Миллий педагогика миз тарихий илди зларива баркамол авлод тарбияси. *Жиззах*, 116, 18-19.
16. Kushvaktov, N. X. (2006). Pedagogical and computer bases of study and preparation of students of national-spiritual values.
17. Husanovich, K. N. (2023). TECHNOLOGY OF DEVELOPING SPIRITUAL CULTURE OF FUTURE TEACHERS. *Journal of Modern Educational Achievements*, 2(1), 64-69.
18. Husanovich, K. N. (2023). PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF AN SELFLESS PERSON. *Journal of marketing, business and management*, 1(10), 10-13.
19. Усманов, Н. У., & Кушвактов, Н. Х. (2009). Научно-методическое обеспечение формирования основ здорового образа жизни у студенческой

молодёжи. *Известия Самарского научного центра Российской академии наук*, 11(4-6), 1458-1462.